

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**26-сон**  
**(110)**  
**2004 й.**  
**июль**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

297. «2004 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 июлдаги ПФ-3450-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

298. «Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 июндаги 295-сон қарори

299. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299-сон қарори

300. «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 июлдаги 309-сон қарори

301. «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 июлдаги 310-сон қарори
302. «Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти бериладиган мансабдор шахслар рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 июлдаги 311-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

303. «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимлари ва яқка тартибдаги тадбиркорларга қўйиладиган малака талаблари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон автомобиль ва дарё агентлиги бошлиғининг 2004 йил 26 апрелдаги 65-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 28 июнда 1377-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
304. «Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Шакар Инвестмент» қўшма корхонаси, Ўзбекистон Республика товар хом ашё биржасининг 2004 йил 11 июндаги 36, 01/24-33, 80, 1-693, 42-01/342-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 28 июнда 1378-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
305. «Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 23 июндаги 89, 2004-42-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 июнда 1098-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
306. «Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 25 февралдаги 78, 79, 2004-40, 245-В-1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 июнда 1333-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
307. «Хусусийлаштириш инвестиция фондлари томонидан махсус давлат кредитларини тўлаш тартиби ва шартларига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлигининг 2004 йил 7 июндаги 01/06-12, 81-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 июнда 543-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
308. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг

2004 йил 3 июндаги 2004-11-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 июнда 1258-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

309. «Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахбороти тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 майдаги 12/1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 1 июлда 1379-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
310. «Банклараро кредит бюроси ва тижорат банклари ўртасида маълумотлар айирбошланиши ҳамда кредит тарихи тўғрисида ахборотни тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 майдаги 12/1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 1 июлда 1380-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
311. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг сержантлик таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни ўташ учун шартнома тузиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2004 йил 5 июндаги 1/263, 6, 9/576, 1/4/6-211, 01-8/1361-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 2 июлда 1381-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
312. «Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақлари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2004 йил 3 июндаги 83-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 2 июлда 1382-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 26 июндан 2 июлгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **297 2004 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида**

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2004 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-хунар билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўртача 1,3 баравар оширилсин.

2. 2004 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудда энг кам:

иш ҳақи — ойига 6530 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 12920 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нолинчи) разряд — ойига 6530 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 12920 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 7825 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2004 йил 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2004 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайитириш ҳисобидан амалга оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 2 апрелдаги ПФ-3231-сон Фармони ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан бир ҳафта муддат ичида қарор қабул қилсин.

9. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 1 июль,  
ПФ-3450-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **298** Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг устав фондидаги давлат улушини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари ва профессионал бошқарувчи компанияларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, давлат активларини профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга бериш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссиясининг таркиби 1-иловага\* мувофиқ;

Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хўжалик жамиятлари устав фондидаги давлат улушини бошқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат улуши профессионал бошқарувчи компанияларга бошқарувга берилгунгача бўлган муддатга республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятларининг устав фондидаги давлат улушини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакилини тайинлаш, шунингдек уларни юкланган вазифалардан озод қилиш;

республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятларининг устав фондидаги давлат улушларини ишончли бошқариш ҳуқуқи учун ўтказилган танловлар натижаларини тасдиқлаш;

хўжалик жамиятларининг устав фондидаги давлат улуши бўйича дивидендлар давлат бюджетига тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш ишларини ташкил этиш;

хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, давлат ишончли вакиллари ва бошқарувчи компанияларнинг давлат улушларини бошқариш бўйича фаолиятларининг натижалари тўғрисидаги ахборотларини мунтазам равишда эшитиб бориш.

3. Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссиясининг ишчи органи функцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига юклансин.

4. Давлат мулки қўмитаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда

---

\* 1-илова берилмайди.

устав фондида давлат улуши бўлган давлат унитар корхоналари, хўжалик жамиятларини ҳисобга олиш, давлат улушига ҳисобланган дивидендларни давлат бюджетига тушириш бўйича идоралар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмашиш тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 25 июнь,  
295-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 25 июндаги 295-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) фаолиятини тартибга солиди ва унинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб беради.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши тижорат банклар устав фондидаги акцияларнинг давлат улушини бошқаришга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Комиссиянинг ўз ваколати доирасида давлатнинг ишончли вакиллари ва бошқарувчи компанияларни тайинлаш, озод этиш ва уларнинг фаолиятига тегишли бўлган масалалар бўйича қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

4. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Олий Мажлиснинг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, мазкур Низомга ва бошқа норматив ҳужжатларга амал қилади.

### **II. Комиссиянинг вазифалари ва функциялари**

5. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:  
хўжалик жамиятлари устав фондидаги давлат улушини бошқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат улуши профессионал бошқарувчи компанияларга бошқарувга берилгунгача бўлган муддатга республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятларининг устав фондидаги давлат улушини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакилини тайинлаш, шунингдек уларни юкланган вазифалардан озод қилиш;

республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятларининг устав фондидаги давлат улушларини ишончли бошқариш ҳуқуқи учун ўтказилган танловлар натижаларини тасдиқлаш;

хўжалик жамиятларининг устав фондидаги давлат улуши бўйича дивидендлар давлат бюджетига тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш ишларини ташкил этиш;

хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, давлат ишончли вакиллари ва бошқарувчи компанияларнинг давлат улушларини бошқариш бўйича фаолиятларининг натижалари тўғрисидаги ахборотларини мунтазам равишда эшитиб бориш.

6. Қўйидагилар Комиссиянинг функциялари ҳисобланади:

республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятларининг устав фондидаги давлат улушини бошқариш учун танлов ғолиблари — давлатнинг ишончли вакилларини тайинлаш ва бошқарувчи компанияларни тасдиқлаш;

республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятларининг устав фондидаги давлат улушларини ишончли бошқариш ҳуқуқига танловлар натижаларини тасдиқлаш;

хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улушларини бошқариш бўйича фаолиятида давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компанияларнинг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаш;

хўжалик жамиятларидаги давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакилларини уларга юкланган мажбуриятлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод этиш;

давлат улушларини бошқариш бўйича шартномавий муносабатларни бошқарувчи компаниялар билан давом эттириш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш;

давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компанияларнинг ҳисобот шакллари тасдиқлаш;

хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улушларини бошқариш самарадорлиги юзасидан доимий мониторингни амалга ошириш ва таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ва механизмларни ишлаб чиқиш.

### III. Комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Комиссия қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз иш тартибини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари рўйхатини белгилаш;

давлатнинг ишончли вакилларини тайинлаш учун номзодларни танлаш талабларини ва шартларини белгилаш;

ўз ваколатлари доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларига топшиқлар бериш.

8. Комиссия қўйидагиларга мажбур:

хўжалик жамиятларидаги давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари ва бошқарувчи компанияларни тайинлашни ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини бажариш;

Комиссия мажлисларида қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан назорат ва мониторингни амалга ошириш.

#### **IV. Комиссиянинг ишини ташкил этиш**

9. Комиссия ишини Раис ташкил қилади, у Комиссия иш тартибини тасдиқлайди, мажлис ўтказиладиган санани ва кун тартибини белгилайди, ўзи ўрнида бўлмаган ҳолларда комиссия аъзоларидан бирини ўринбосар этиб тайинлайди.

Комиссиянинг мажлислари заруриятга қараб даврий, аммо чоракда камида бир марта унинг аъзоларининг учдан икки қисмидан кам бўлмаган аъзолари иштирокида ўтказилади.

Комиссия қарори Комиссия аъзоларининг мажлисида иштирок этувчиларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия қарори мажлисда иштирок этувчи Комиссия аъзолари имзолайдиган ва Комиссия раиси ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланадиган протокол билан расмийлаштирилади. Протоколни имзолаш вақтида Комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида мулоҳазаларини билдириш ҳуқуқига эга.

#### **V. Комиссиянинг ишчи органи**

10. Комиссия мажлисини тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этишни амалга оширувчи Комиссиянинг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳисобланади.

11. Ишчи орган:

хўжалик жамиятларидаги давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакилларини тайинлаш ва бошқарувчи компанияларни тасдиқлаш бўйича;

хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улушларини бошқариш мажбуриятларидан давлатнинг ишончли вакиллари ва бошқарувчи компанияларни озод этиш бўйича;

давлат улушларини ишончли бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари ва бошқарувчи компанияларнинг фаолиятини тартибга соладиган норматив ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича;

давлат улушларини ишончли бошқариш бўйича фаолиятга тегишли бўлган бошқа масалалар юзасидан таклифларни Комиссияга кўриб чиқиш учун киритиш ҳуқуқига эга.

12. Комиссиянинг ишчи органи қуйидагиларга мажбур:

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларни ўз вақтида ва зарур даражада бажариш;

Комиссиянинг давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компанияларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин бир ҳафта муддатда янги тайинланган давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар билан ишончли бошқарувга шартномалар тузиш;

давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботларни йиғиш, тартибга келтириш ва ишлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элларда эгалик ҳуқуқи давлатга тегишли бўлган мол-мулкни сақлаш ва самарали бошқариш юзасидан бошқарувчи компаниялар ва давлатнинг ишончли вакилларининг фаолияти натижадорлиги бўйича мониторинг ўтказиш;

устав фондида давлат улуши бўлган давлат унитар корхоналари, хўжалик жамиятлари, уларнинг хўжалик фаолиятининг асосий натижалари тўғрисида маълумотлар базасини юритиш;

хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар фаолияти тўғрисидаги ахборотни Комиссияга ҳар чоракда тақдим этиш;

хўжалик бошқарув органлари раҳбарлари, давлатнинг ишончли вакиллари ва бошқарувчи компанияларнинг ишлари самарадорлиги мониторинги ва улар ишининг самарадорлиги таҳлили асосида давлат улушларини бошқариш бўйича уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари Комиссия томонидан эшитилишини ташкил этиш;

Комиссия мажлисини чақириш билан боғлиқ ташкилий масалаларини ҳал қилиш;

Комиссиянинг иш юритишини аниқ ва тўлиқ олиб бориш, Комиссия ёзишмаларини ҳисобга олиш ва таснифлаш, Комиссиянинг барча мажлислари протоколларини ўз вақтида ва тўлиқ расмийлаштириш.

13. Комиссияни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 25 июндаги 295-сон қарорига  
З-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 22 августдаги қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 8-сон, 31-модда) 5-иловада:

а) 4.2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ишончли бошқарувчи акциядорлик жамияти бошқаруви ижро этувчи органлари томонидан амалга оширилаётган жорий фаолиятга аралашини ҳуқуқига эга эмас.»;

б) 4.3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4.3. Ишончли бошқарувчи қуйидагиларга мажбур:

давлат акциялари пакетларини ишончли бошқариш шартномаси бўйича фойдали сотиб олувчи ҳисобланган давлат манфаатларини ифодалаш;

ўз фаолияти ва акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик ҳолати натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасини хабардор қилиш;

ўзига юкланган ваколатларни амалга оширишда ўзига маълум бўлган маълумотларни учинчи шахсга ошкор этмаслик ва улардан давлат манфаатларига зид бўлган мақсадларда фойдаланмаслик;

жамиятнинг Кузатув кенгашига ёки ижро этувчи органига мурожаат қилиш йўли билан давлат ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилишини бартараф этишни талаб қилиш;

давлат акциялари пакетлари бўйича ҳисобланган дивидендларни бюджетга ўз вақтида тўлашни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар кўриш;

акциядорлик жамиятининг бюджетга, давлат мақсадли фондларига мажбурий тўловлар, иш ҳақи бўйича қарздорлиги вужудга келганда, шунингдек корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий аҳоли оғирлашган тақдирда Кузатув кенгаши таркибини ҳамда жамиятнинг ижро этувчи органини қайта сайлаш мақсадида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш.»;

в) IV бўлимга қуйидаги мазмундаги 4.4-банд қўшилсин:

«4.4. Ишончли бошқарувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишмасдан акциядорлик жамияти бошқарув органларидаги бошқа акциядорларнинг вакили бўлиши мумкин эмас.»

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 июлдаги 325-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 67-модда) 4-банднинг еттинчи хатбоши ва 6-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 5 майдаги 209-сон қарорига 2-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 45-модда) 6-бандининг «а» ва «в» кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **299** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ–3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Хукумати, республика вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

«Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонун, Аёллар йили муносабати билан Хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, бошқа бир қатор меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил хотин-қизлар қўмиталари, жамоат ташкилотлари, давлат тузилмаларининг хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оилада, ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишидаги ролини ошириш ишида жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Марказда ва жойларда хотин-қизлар қўмиталарига кўпинча асосан бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилмаган ва ўз фаолиятида маъмурий усуллардан фойдаланадиган давлат тузилмалари сифатида қаралмоқда.

Хотин-қизлар қўмиталарининг турли раҳбарлик лавозимларига сайланган аксарият фаоллар бошланғич хотин-қизлар жамоаларидан ажралиб қолган, улар ўзлари-

ни аёллар жамоатчилигининг вакиллари эмас, балки давлат хизматчилари деб ҳисоблайди.

Натижада хотин-қизларнинг ҳақиқий аҳволи, уларнинг муаммолари ва манфаатлари эътибордан четда қолмоқда.

Хотин-қизлар ҳаракати, ижтимоий ривожланиш, қуйидан бўладиган ташаббусни рағбатлантиришнинг муайян масалалари бўйича хотин-қизларнинг реал манфаатлари ва муаммоларини, уларнинг фикр ва таклифларини аниқлашнинг самарали воситаси ҳисобланган курултой ва конференциялар каби хотин-қизлар билан иш олиб боришнинг демократик шакллари амалда ишга солинмаяпти.

Мазкур қўмиталар ходимларининг жамоатчилик ва жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари олдида ҳисобот бериши амалда мавжуд эмас.

Хотин-қизлар қўмиталарининг оммавий ахборот воситалари билан алоқаси талабга жавоб бермайди. Хотин-қизларга мўлжалланган матбуот органлари ва нашрларда қандай мавзулар ва муаммолар ёритилаётгани, улар ўқувчиларга, биринчи навбатда ёш аёлларга қандай таъсир кўрсатаётгани қўмиталарнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Аёлларнинг муайян қисми, айниқса қишлоқ жойларда, хотин-қизлар қўмиталарининг эътиборидан четда қолмоқда, улар ўз холига ташлаб қўйилган ва шу боис турли, жумладан, бузғунчи кучларнинг таъсир объектига айланмоқда.

Хотин-қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш ишида маҳаллаларнинг хотин-қиз фаоллари, фуқаролар йиғини, жумладан, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, миллий-диний анъана ва урф-одатларни яхши биладиган ҳамда тегишли анъанавий урф-одат ва расм-русумлар ўтказилишида бош-қош бўладиган аёлларнинг имкониятларидан фойдаланилмаяпти. Айни вақтда уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ушбу хотин-қизларни ҳокимликлар, маҳалла қўмиталари томонидан ўтказиладиган тадбирларни амалга оширишга фаол жалб этиш, фуқароларнинг йиғинлари раҳбарлари таркибига кириштиш хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашни сезиларли даражада яхшилашга қўмақлашган бўлур эди.

Хотин-қизлар қўмиталарининг фаолияти, энг аввало, хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга, шу жумладан, вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, касаначилик меҳнатини ташкил қилиш ва хотин-қизларни ишга жойлаштиришнинг бошқа шаклларида фойдаланишга қаратилиши зарур. Давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ва бошқа ёрдамлар билан бирга хотин-қизларга ишлаш учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш даркор.

Иш билан таъминлаш — хотин-қизлар мустақиллиги, уларнинг фаол ижтимоий, ҳаётий позицияга эга бўлишларининг муҳим шартидир.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган барча меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар хатловдан ўтказилиши, уларнинг амалга оширилиши таъминланиши зарур. Оналик ва болаликни самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган замонавий усулларни, илғор иш шакллари ва институтларни (скрининг, патронаж ва бошқаларни) фаол ривожлантириш лозим.

Оилада маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, уни диний экстремизм ва ақидапарастлик мафқурасининг онгни захарлайдиган таъсиридан, гиёҳвандлик ва бошқа салбий кўринишлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барпо қилиш хотин-қизлар қўмиталари фаолиятининг муҳим йўналишига айланиши керак.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, таълим ва малака даражасини ошириш, уларнинг сайлаб қўйиладиган вакиллик ва бошқа давлат ҳокимияти

идораларидаги кенг иштирокини, хотин-қизлар қўмиталари ва юртимиздаги бошқа хотин-қизлар ташкилотларининг халқаро хотин-қизлар ҳаракатида, меҳр-мурувват, таълим ва бошқа соҳалардаги халқаро тузилмалар фаолиятида фаол иштирокини таъминлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб этади.

Мамлакатимизда амалга ошириладиган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш бўйича ташкилий ва тарғибот чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда «Чора-тадбирлар дастури» деб юритилади) 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек хотин-қизлар билан самарали иш олиб бориш вазифаларини бажариш мақсадида 2-иловага\* мувофиқ таркибда доимий ишлайдиган комиссия тузилсин.

Қўйидагилар комиссиянинг муҳим вазифалари этиб белгилансин:

хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларининг аҳволини мунтазам равишда ўрганиш ва баҳолаш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошириш;

хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни ишга жойлаштиришга ҳар томонлама қўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигининг турли шакллари ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида, халқаро хотин-қизлар ҳаракатидаги фаол иштирокига қўмаклашишга қаратилган тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси (С.Т. Иномова), Ижтимоий комплекси (А.А. Азизхўжаев) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг ижросини ўргансин, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оила, ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ролини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис Кенгашининг қўшма йиғилишида кўриб чиқиш учун тайёрласин.

4. Доимий ишлайдиган комиссия (Ш.М. Мирзиёев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари:

15 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталари раисларининг функционал вазифаларини, янги талабларни ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин, бунда уларнинг хотин-қизлар, ёш аёллар билан самарали иш олиб боришни таъминлаш бўйича ваколатларини кенгайтиришни назарда тутсин;

15 августгача хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатда амалга

\* 1, 2-иловалар берилмайди.

оширилаётган демократик ўзгаришларга мувофик, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида қўйилган вазифалар асосида уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш ишларининг ахволини ҳар бир туман, шаҳар бўйича ўрганиб чиқсин ва танқидий баҳоласин;

1 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси марказий аппаратини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ишчи аппаратларини юқори касб маҳоратига, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳамда одамлар билан ишлай оладиган мутахассис кадрлар билан тўлдирсин;

фуқаролар йиғинларининг диний таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар лавозимларини энг обрў-эътиборли ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия соҳасида амалий тажрибага эга бўлган ва аҳолига, биринчи навбатда, ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, энг яхши миллий-диний анъана ва урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш масалаларида самарали таъсир кўрсатишга қодир фаол аёллар билан тўлдиришни таъминласин.

Мазкур ишларнинг туман ҳудудидаги ҳар бир алоҳида маҳалла бўйича бажарилиши учун жавобгарлик шахсан туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига юклансин. Доимий ишлайдиган комиссия (Ш.М. Мирзиёев) кўрсатиб ўтилган ишларнинг бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин. Мазкур ишларни жорий йилнинг 1 декабргача тугалласин.

5. Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси (С.Т. Иномова) «Маънавият ва маърифат» маркази (Қ.А. Аъзамов), Дин ишлари бўйича қўмита (Ш.Ш. Миноваров) хотин-қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва уларга таълим беришни кучайтириш бўйича қўйидаги мақсадларга қаратилган чора-тадбирлар дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширилишини таъминласин:

маҳаллалар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги хотин-қизлар ўртасида уларни ахборот билан таъминлаш, замонавий ҳаёт тақозо этаётган мутахассисликларга ўқитиш ишларини тубдан яхшилаш;

хотин-қизларга диний билимлар ва миллий-диний анъаналар асосларини эгаллашда ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларни диний бағрикенглик, барча бошқа диний конфессияларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, жамиятда дунёвий ва диний қарашлар қарама-қаршилигига йўл қўймаслик;

диний экстремизм ва ақидапарастликнинг мамлакатимиздаги осойишта ҳаёт ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган, ғайриинсоний, зарарли ғояларнинг жамиятда тарқалишига қарши курашиш.

6. Бош прокуратура (Р.Х. Қодиров) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурорлик назорати самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А.А. Полвонзода), Бош прокуратура (Р.Х. Қодиров) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Ш. Шоғуломов) билан биргаликда бир ой муддатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўпламини тайёрласин ва нашр этсин.

8. Ички ишлар вазирлиги (З.А. Алматов) «Маҳалла» жамғармаси (А.Г. Гадоёбоев), Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати (Б.Х. Убайдуллаев), жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари билан биргаликда 2004 йил 1 августгача бўлган муддатда маҳаллалар, қишлоқлар ва овулларда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида диний

экстремизм, ақидапарастлик кўринишлари ва бошқа ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш бўйича ишларни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширишни таъминласин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Х. Ҳазратқулов), «Ўзтелерадио» компанияси (А.К. Кўчимов), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Ш. Шоғуломов) хотин-қизлар ташкилотларининг хотин-қизлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдаги ижобий иш тажрибасини, уларнинг фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдаги тобора ортиб бораётган ролини тарғиб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўрсин, хотин-қизларнинг, айниқса, қишлоқ жойларда яшаётган хотин-қизларнинг ҳаётини, кундалик меҳнати ва турмушини кенг ёритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

### Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 июнь,  
299-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **300** Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2004 йил 1 июлдаги ПФ–3450-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2004 йил 1 августдан бошлаб бошланғич разряднинг ойига 6530 сўм миқorida белгиланган энг кам иш ҳақи тариф ставкаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин ва янги тариф коэффициентлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 июлдаги 280-сон қарори 2004 йил 1 августдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

### Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2004 йил 2 июль,  
309-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 2 июлдаги 309-сон қарорига  
ИЛОВА

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси**

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
0	1,000
1	2,181
2	2,400
3	2,641
4	2,904
5	3,181
6	3,471
7	3,773
8	4,086
9	4,401
10	4,723
11	5,050
12	5,386
13	5,727
14	6,071
15	6,423
16	6,779
17	7,140
18	7,505
19	7,877
20	8,253
21	8,635
22	9,019

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**301 Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнати-  
ни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида**

Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг, энг аввало, бошланғич синфлар ўқитувчиларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб:

бошланғич синфлар ўқитувчиларига амалдаги ҳар ойлик устамалар Меҳнатга

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача миқдорда;

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун амалдаги ҳар ойлик қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизигача миқдорда;

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига дафтарларни текширганлик учун амалдаги ҳар ойлик қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг ўрта ҳисобда 30 фоизидан 50 фоизигача миқдорда оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорга мувофиқ 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб умумтаълим муассасалари ўқитувчилари иш ҳақиға устама-лар ва қўшимчаларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар учун бюджетдан зарур маблағлар ажратсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сон қарори 1-бандининг умумтаълим мактаблари ҳамда барча тур ва номдаги мактаб-интернатларнинг ўқитувчиларига қўшимча ҳақ тўлашга доир қисми (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 8-сон, 29-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 2 июль  
310-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **302 Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти бериладиган мансабдор шахслар рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида**

Халқаро ташкилотларда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган 6-рўйхат (3-илова) қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

«Ўзбекистон Республикаси давлат органлари линияси бўйича халқаро ташкилотларга дипломатик лавозимларга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш учун юборилган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари — Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорига кўра».

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 2 июль  
311-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ  
АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**303** «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимлари ва якка тартибдаги тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
28 июнда 1377-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 8 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 360-сонли «Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан, автомобиль транспортида ташишларни ташкил этиш ва бошқаришга жавобгар бўлган юридик шахслар раҳбарларининг ва хусусий тадбиркорларнинг касб-малакасини аниқлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Илова\* қилинаётган «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимлари ва хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисида низом» тасдиқлансин.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги  
бошлиғи А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 26 апрель,  
65-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
«ШАКАР ИНВЕСТМЕНТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМ-АШЁ БИРЖАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **304** Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
28 июнда 1378-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 8 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **қарор қиламиз:**

1. «Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисида» вақтинчалик низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 июнь,  
36-сон

**Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 июнь,  
01/24-33-сон

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 июнь,  
80-сон

**«Шакар Инвестмент» қўшма корхонаси  
директори Ф. СРАДЖИДДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 июнь,  
1-693-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

Ўзбекистон республика товар хом ашё биржаси  
Бошқаруви раиси Т. ТОХТАБАЕВ

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 июнь,  
42-01/342-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**305** Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ-  
ни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида-  
ги йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
29 июнда 1098-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 9 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 6 ва 2002-10-сонли қарори билан тасдиқланган Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (2002 йил 15 февраль, рўйхат рақами 1098 — Меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 3-4-сон; Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 5-сон, 62-бет) 11-бандининг «а» кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ойлик тўловлари бўйича ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг келиб тушган суммаси Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларида бир вақтда солиқни «Ҳисоблаб ёзиш» ва «Тўлаш» устунларида акс эттирилади.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 23 июнь,  
89-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,  
2004 йил 23 июнь,  
2004-42-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **306 Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
29 июнда 1333-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 9 июлдан кучга киради)*

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки **қарор қилади:**

1. 2004 йил 25 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 35-сонли, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 74-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 2004-24-сонли ва Марказий банкнинг 245-В-сонли қарори билан тасдиқланган «Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низом»нинг (2004 йил 6 апрель, рўйхат рақами 1333 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 14-сон, 172-модда) 48-банди «а» кичик бандидаги «бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6400)» сўзлари «6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 июнь,  
78-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш  
вазири О. ОБИДОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 июнь,  
79-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 июнь,  
2004-40-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 июнь,  
245-В-1-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**307 Хусусийлаштириш инвестиция фондлари томонидан  
махсус давлат кредитларини тўлаш тартиби ва шарт-  
ларига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
30 июнда 543-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 10 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли «Хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2003 йил 7-8-сон, 63-б) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 20 октябрда 3, 30-01-12/246-сон билан тасдиқланган (1998 йил 23 ноябрь, рўйхат рақами 543) Хусусийлаштириш инвестиция фондлари томонидан махсус давлат кредитларини тўлаш тартиби ва шартларига иловага\* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтганидан ўн кундан сўнг амалга киритилсин.

**Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
Давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 7 июнь,  
01/06-12-сон

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 7 июнь,  
81-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ  
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**308 Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
30 июнда 1258-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 10 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2003 йил 26 майда тасдиқланган Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга (2003 йил 17 июль, рўйхат рақами 1258) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

**Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва  
назорат қилиш Маркази Бош директори М. ЮНУСМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 3 июнь,  
2004-11-сон

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» Агентлигининг  
Бош директори П. НИГМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 3 июнь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**309 Кредит ахбороти миллий институтининг маълумот-  
лар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кре-  
дит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахбороти тақ-  
дим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
1 июлда 1379-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 11 июлдан кучга киради)*

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 17-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарз оловчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 апрелдаги 197-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахбороти тақдим этиш тартиби тўғрисида» низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг 10 кундан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 май,  
12/1-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда бериллади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**310** Банклараро кредит бюроси ва тижорат банклари ўртасида маълумотлар айирбошланиши ҳамда кредит тарихи тўғрисида ахборотни тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
1 июлда 1380-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 11 июлдан кучга киради)*

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 17-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 197-сонли «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Банклараро кредит бюроси ва тижорат банклари ўртасида маълумотлар айирбошланиши ҳамда кредит тарихи тўғрисида ахборотни тақдим этиш тартиби тўғрисида» низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг 10 кундан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 май,  
12/2-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**311** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг сержантлик таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни ўташ учун шартнома тузиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
2 июлда 1381-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 12 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 апрелдаги 170-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сержантларининг статуси тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг сержантлик таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни ўташ учун шартнома тузиш тартиби тўғрисида йўриқнома иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Мудофаа вазири Қ. ҒУЛОМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 июнь,  
1/263-сон

**Ички ишлар вазири З. АЛМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 июнь,  
6-сон

**Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 июнь,  
9/576-сон

**Фавқулода вазиятлар вазири Б. СУБАНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 июнь  
1/4/6-211-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

## Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги А. АРИПОВ

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 июнь  
01-8/1361-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ  
АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**312** Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
2 июлда 1382-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 12 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги 118-сонли «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, бозор иқтисодиёти шароитида юк ташишлар билан шуғулланувчи, ташувчиларнинг мулкчилигининг ҳуқуқий шакли ва мансублигидан қатъи назар, уларга амалий ёрдам бериш мақсадида **буюраман:**

1. Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқномаси\* тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг ўн кун муддатдан кейин кучга киради.

**Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг  
бошлиғи А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 3 июнь,  
83-сон

---

\* Йўриқнома рус тилидаги матнда берилди.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 26 июндан 2 июлгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимлари ва яқка тартибдаги тадбиркорларга қўйиладиган малака талаблари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2004 йил 26 апрелдаги 65-сон буйруғи.*

**2004 йил 28 июнда 1377-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 июлдан кучга киради).**

2. «Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Шакар Инвестмент» қўшма корхонаси, Ўзбекистон Республика товар хом ашё биржасининг 2004 йил 11 июндаги 36, 01/24-33, 80, 1-693, 42-01/342-сон қарори.*

**2004 йил 28 июнда 1378-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 июлдан кучга киради).**

3. «Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 23 июндаги 89, 2004-42-сон қарори.*

**2004 йил 29 июнда 1098-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 июлдан кучга киради).**

4. «Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 25 февралдаги 78, 79, 2004-40, 245-B-1-сон қарори.*

**2004 йил 29 июнда 1333-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 июлдан кучга киради).**

5. «Хусусийлаштириш инвестиция фондлари томонидан махсус давлат кредитларини тўлаш тартиби ва шартларига ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлигининг 2004 йил 7 июндаги 01/06-12, 81-сон қарори.*

**2004 йил 30 июнда 543-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 10 июлдан кучга киради).**

6. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директори*нинг 2004 йил 3 июндаги 2004-11-сон буйруғи.

**2004 йил 30 июнда 1258-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 10 июлдан кучга киради).**

7. «Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахбороти тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг* 2004 йил 21 майдаги 12/1-сон қарори.

**2004 йил 1 июлда 1379-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 11 июлдан кучга киради).**

8. «Банклараро кредит бюроси ва тижорат банклари ўртасида маълумотлар айирбошланиши ҳамда кредит тарихи тўғрисида ахборотни тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг* 2004 йил 21 майдаги 12/1-сон қарори.

**2004 йил 1 июлда 1380-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 11 июлдан кучга киради).**

9. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг сержантлик таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни ўташ учун шартнома тузиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг* 2004 йил 5 июндаги 1/263, 6, 9/576, 1/4/6-211, 01-8/1361-сон қарори.

**2004 йил 2 июлда 1381-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 12 июлдан кучга киради).**

10. «Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг* 2004 йил 3 июндаги 83-сон буйруғи.

**2004 йил 2 июлда 1382-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 12 июлдан кучга киради).**